Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 113 (7. 202) ◉ 1990 йил 21 май, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Область партия комитетининг пленуми

19 май куни Тошкентда область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари XXIV Тошкент область партия конференциясига обкомнинг ҳисоботини тасдиқладилар.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Бектемир район партия комитетининг пленуми

Бектемир район партия комитетининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда сайлаб қўйилган органлар фаолиятига тааллуқли масалалар кўриб чиқилди.

Бектемир район партия комитетининг биринчи котиби Г. И. Соболев пленум қатнашчиларини район партия комитетининг тузилиши билан таништирди. Район партия комитетининг иккинчи котиби М. Ш. Йўлдошев эса райкомнинг комиссиялари тўғрисида ахборот берди.

Пленумда шунингдек, район партия комитети аъзоларининг мақоми, I Бектемир район партия конференциясида билдирилган танқидий таклиф ва мулоҳазаларнинг бажарилиши юзасидан тадбирлар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди, Ушбу таклифлар асосида эндиликда район партия комитети аппарати ходимлари райондаги 15 та бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турадиган ходимлар. Бу жойлардаги ишларни жонлантириш, бошланғич партия ташкилотлари, шунингдек райком аппарати ходимлари, уннинг котиблари шахсий масъулиятини оширишга кўмаклашиши лозим. Бу масаланинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, пленум унн кун тартибининг алоҳида моддаси сифатида муҳокама этди.

Пленумда шунингдек, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ҚУМИТАНИНГ навбатдаги йиғилиши ҳисобот сайловдан кейинги биринчи йиғилиш эди. Қўмита аъзолари кун тартибидаги биринчи масалани айнан цехнинг ўзида, ишлаб чиқариш участкасида муҳокама қилдилар. Ер ости бойликлари ва кон қидирув ишларида қўлланиладиган кабеллар тайёрланадиган «Геокабель» ширкати партия ташкилотининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишдаги амалий ишлари ҳақида қўмита аъзоси, ширкат раиси В. Г. Перцев ахборот бериб, бажарилган юмушлар билан таништирди.

Бу цехда тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳаммаси давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга жўнатилади. Турли хилдаги кабеллар мамлакатимизнинг деярли ҳамма жумҳуриятларига, шунингдек ўнлаб хорижий давлатларга юборилади. Кейинги пайтда бу ширкат илмий-ишлаб чиқариш цехи билан шартнома тузаётган ташкилотлар сони ортиб бормоқда. Шартнома мажбуриятларининг бекаму кўст бажарилиши туфайли даромад ҳам ошиб боряпти.

«Ҳамма нарса халқ учун, халқ фаровонлиги учун» деган шиор бўларди. Уни катта-катта биноларнинг пештоқида, ҳар қадамда учратардик. Унинг теран маъноси жуда кўп тушунчани англатади, чуқур мазмунни билдиради. Бироқ кўп йиллар давомида бу сўзлар тўлиқ ифодасини топа олмади, баландпарвоз гаплар орасида қуруқ шиорлигича қолди. Бугунги кунга келиб, иқтисодиётнинг танг аҳволи, ижтимоий масалаларга ҳам боғлиқлиги яққол намоён бўлмоқда. Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси партия қўмитаси кун тартибидаги бу масалани атрофлича ўрганилишининг боиси бор, албатта. Ҳалол меҳнат қилиб, фаровон турмуш кечириш соф виждонли кишиларнинг эзгу нияти, яшашнинг асосий мақсади ҳамдир. Жамиятимизнинг кўпчилигини ана шундай одамлар ташкил этади. Биз ана шу холис ният йўлида инқилоб қилдик, курашдик, бугунги куннинг мазмуни ҳам шундан иборат бўляпти.

Бирлашмадаги ширкатлар орасида биринчи бўлиб «Геокабель» цехи раҳбарлари ишчиларнинг маиший шароитини яхшилашга киришди. Бу хайрли иш учун 200 минг сўм сарфлаш режалаштирилди. Биринчи галда аёллар учун алоҳида хона ажратилди, душхона, ечиниб-кийиниш учун, тушлик пайтида дам олиш учун мўлжалланган хоналар тўлиқ ремонтдан чиқарилди. Юмшоқ мебеллар келтирилди. Механик, созловчи ва бошқа мутахассислар жойлашган хоналар эркаклар учун ажратилди. Мутахассисларга эса айнан цехнинг ўзида хоналар қурилади. Маиший хоналар шунчаки сувалиб, бўялмасдан, миллий ва европа услубида гуллар, нақшлар ва бошқа безаклар билан безатилди. Зарур бўлганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган табобат ходимлари учун ҳам алоҳида хоналар берилди.

Сирдарё вилоятидаги «Сайхун» дам олиш масканини ремонт қилиш, жиҳозлаш, умуман яхши роҳатбахш жойга айлантиришни ҳам «Геокабель» ширкатчилари ўз зиммаларига олишди. Шунингдек, ишлаб чиқариш участкасининг атрофини тозалаб, дарахтлар ўтказиш бошланди. Чоғроқ майдонда волейбол ўйингоҳи бўлади. Сўрилар қўйиб, чойхона ташкил этилади.

— Ҳозирги давр партия ташкилотларининг ҳар бир ишга жиддий киришишини талаб этяпти. Цехларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳақидаги масалалар илгари ҳам муҳокама этилган, — деди бирлашма партия қўмитасининг котиби К. Бегалиев, — бироқ қарорларни бажаришнинг иложи йўқ эди. Сабаби, бирлашмамиз давлатдан ва шартномадаги ташкилотлардан қарийб 50 миллион сўм қарздор бўлиб қолганди. Шунинг учун маданий-маиший ишлар учун жуда кам пул ажратиларди. Ҳозирги кунда ҳам жуда бойиб кетганимиз йўқ. Ширкатларнинг айримлари ҳали кўплаб мўмай даромад олиш даражасига етмаган. Шундай бўлсада қаловини топаётганлар биринчи галда ишчиларнинг меҳнат қилиши ва маиший шароитларни яхшилаш учун ҳаракат қиляптилар. Бирлашмадаги цехларнинг анча эскириб қолганлиги, бўш ва бекор ётган хоналарнинг йўқлиги туфайли кўп қийинчиликлар туғиляпти. Бироқ, биз «Геокабель» ширкатида амалга оширилган ишлар мисолида, кўпгина туғилган режаларни бажариш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Қайта қуриш ва партия ташкилоти

Бирлашма ишбилармонлари

— Қайта қуришни партия бошлаб берганидек, корхонамиздаги цехларни ширкат усулида ташкил этишни партия қўмитаси ёқлаб чиқди, — деди қўмита аъзоси, бирлашма меҳнат жамоаси кенгашининг раиси У. Муҳаммадхўжаев. — Ҳозирги кунда бирлашмамиздаги, ҳатто маъмурий бошқарув аппарати ходимлари ҳам ширкатга бирлашганлар. Одатда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда молиявий муаммолар кўндаланг келарди. Кўп йиллар давомида корхонамизнинг кассаси қуруқ бўлиб, қарздорлар қаторида турардик. Эндиликда бу қолоқликка барҳам берилди. Ҳар бир ширкатнинг ўз кассасида ҳатто жамғарма пули ҳам бор.

— Бошқарув усули ўзгаргани билан, меҳнат қилаётган кишилар моддий неъмат яратадиган асосий куч сифатида қолдилар, — деди В. Г. Перцев. — Кўп йиллар давомида режа, кўрсатмани бажарамиз, деб ижтимоий масалалар иккинчи даражага тушиб қолди. Белгиланган режа, топшириқларни бажарадиган меҳнат кишисини эсдан чиқариб қўйдик. Бундан бир йил аввал - цехимизга келган киши бунинг яққол гувоҳи бўларди. Ишчиларнинг ечиниб-кийинишлари, ювинишлари учун шароит деярли йўқ даражада эди. Қарз устига қарз бўлаверигани маданий ва маиший шароитларни яратишга имкон бермасди. Ширкат усулда ишга ўтганимизга бир йилдан ошди. Ишчиларнинг маиши кўпайди, даромадимизнинг бир қисмини ижтимоий муаммоларни ҳал этишга сарфлаяпмиз.

«Ҳамма нарса халқ учун, халқ фаровонлиги учун» деган шиор бўларди. Уни катта-катта биноларнинг пештоқида, ҳар қадамда учратардик. Унинг теран маъноси жуда кўп тушунчани англатади, чуқур мазмунни билдиради. Бироқ кўп йиллар давомида бу сўзлар тўлиқ ифодасини топа олмади, баландпарвоз гаплар орасида қуруқ шиорлигича қолди. Бугунги кунга келиб, иқтисодиётнинг танг аҳволи, ижтимоий масалаларга ҳам боғлиқлиги яққол намоён бўлмоқда. Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси партия қўмитаси кун тартибидаги бу масалани атрофлича ўрганилишининг боиси бор, албатта. Ҳалол меҳнат қилиб, фаровон турмуш кечириш соф виждонли кишиларнинг эзгу нияти, яшашнинг асосий мақсади ҳамдир. Жамиятимизнинг кўпчилигини ана шундай одамлар ташкил этади. Биз ана шу холис ният йўлида инқилоб қилдик, курашдик, бугунги куннинг мазмуни ҳам шундан иборат бўляпти.

Бирлашмадаги ширкатлар орасида биринчи бўлиб «Геокабель» цехи раҳбарлари ишчиларнинг маиший шароитини яхшилашга киришди. Бу хайрли иш учун 200 минг сўм сарфлаш режалаштирилди. Биринчи галда аёллар учун алоҳида хона ажратилди, душхона, ечиниб-кийиниш учун, тушлик пайтида дам олиш учун мўлжалланган хоналар тўлиқ ремонтдан чиқарилди. Юмшоқ мебеллар келтирилди. Механик, созловчи ва бошқа мутахассислар жойлашган хоналар эркаклар учун ажратилди. Мутахассисларга эса айнан цехнинг ўзида хоналар қурилади. Маиший хоналар шунчаки сувалиб, бўялмасдан, миллий ва европа услубида гуллар, нақшлар ва бошқа безаклар билан безатилди. Зарур бўлганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган табобат ходимлари учун ҳам алоҳида хоналар берилди.

Сирдарё вилоятидаги «Сайхун» дам олиш масканини ремонт қилиш, жиҳозлаш, умуман яхши роҳатбахш жойга айлантиришни ҳам «Геокабель» ширкатчилари ўз зиммаларига олишди. Шунингдек, ишлаб чиқариш участкасининг атрофини тозалаб, дарахтлар ўтказиш бошланди. Чоғроқ майдонда волейбол ўйингоҳи бўлади. Сўрилар қўйиб, чойхона ташкил этилади.

— Ҳозирги давр партия ташкилотларининг ҳар бир ишга жиддий киришишини талаб этяпти. Цехларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳақидаги масалалар илгари ҳам муҳокама этилган, — деди бирлашма партия қўмитасининг котиби К. Бегалиев, — бироқ қарорларни бажаришнинг иложи йўқ эди. Сабаби, бирлашмамиз давлатдан ва шартномадаги ташкилотлардан қарийб 50 миллион сўм қарздор бўлиб қолганди. Шунинг учун маданий-маиший ишлар учун жуда кам пул ажратиларди. Ҳозирги кунда ҳам жуда бойиб кетганимиз йўқ. Ширкатларнинг айримлари ҳали кўплаб мўмай даромад олиш даражасига етмаган. Шундай бўлсада қаловини топаётганлар биринчи галда ишчиларнинг меҳнат қилиши ва маиший шароитларни яхшилаш учун ҳаракат қиляптилар. Бирлашмадаги цехларнинг анча эскириб қолганлиги, бўш ва бекор ётган хоналарнинг йўқлиги туфайли кўп қийинчиликлар туғиляпти. Бироқ, биз «Геокабель» ширкатида амалга оширилган ишлар мисолида, кўпгина туғилган режаларни бажариш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Ҳамид Олимжонга ҳайкал ўрнатилди

«Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман...» Ҳаммага ҳам бундай сўзларни айтиш насиб қилавермайди. Ҳамид Олимжон ана шундай ҳуқуққа эга бўлган эди. Бутун истеъдоди, илҳоми, куч-қувватини жонажон халқига бахшида қилган адиб ўз ижоди, бутун ҳаёти билан ватанпарварлик ва граждаплик туйғуларини қарор топтирди. Халқимиз ўз ажойиб фарзандининг ёркин хотирасини ҳамиша ёдда тутади, унинг миллий маданиятимизга қўшган ҳиссаси ўзбек совет адабиётида бутун бир даврни ташкил этади.

«Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда, чаппар уриб гуллаган боғин, ўпар эдим Ватан тупроғин...» Ҳамид Олимжон бундан эллик йил муқаддам яратган ушбу сатрлар у яшаб ижод этган она заминда яна янгради: 19 май куни Ўзбекистон пойтахтида атоқли сўз устасининг ҳайкали очилди. Мармар шоҳсупага шоирнинг бронзадан ясалган қиёфаси ўрнатилган. У дўстларини гўё суҳбатга чорлаётгандек, елкасида эса ўз асарларида куйлаган, таранпум этган ҳумо қушлари — бахт ва илҳом қушлари — семурғлар қўниб олган. Бу ёдгорликнинг муаллифлари ҳайкалтарош Я. Шапиро билан меъмор С. Одиловдир. Ҳайкал унинг мўътабар номига қўйилган метро бекати олдидаги Ҳамид Олимжон номли майдонда ўрнатилди.

Ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг таниқли намояндалари, қардош республикалардан келган меҳмонлар, шоирнинг қариндош-уруғлари ва ёру биродарлари қатнашдилар.

Ушбу воқеага бағишланган митингни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов очди. Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғуломов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Тожикистон халқ ёзувчиси Фотиҳ Ниёзий, шоира Ойдин Ҳожиева, ҳайкалтарош Яков Шапиро Ҳамид Олимжон ҳақида сўзладилар. Ҳайкал пойига анвойи баҳор гуллари қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков ҳайкал пойига саватларда гуллар қўйдилар.

Машҳур рус совет ёзувчиси К. Симонов ўзининг ўзбек биродари ижоди тўғрисида гапириб, «ҳақиқий шеъриятнинг йўли ҳамма вақт инсоп босиб ўтадиган йўлдан узунроқ бўлади», деб айтган эди. Вақт ушбу сўзларнинг нақадар башоратли эканлигини исботлади. Ҳайкал Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан жумҳуриятимизда ўтказилаётган тантанали кунларда очилди, деб хабар қилади ЎзТАГ мухбири Э. Тухватуллина.

СУРАТЛАРДА: Ҳамид Олимжонга ўрнатилган ҳайкал ва тантанали очилиш маросими.

Р. Шарипов суратлари.

«Тошкент» меҳмонхонасида Совет—Ҳиндистон «Тошкент—компитент» қўшма корхонасини бунёд этиш ва унинг фаолияти тўғрисида шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди. Совет томонидан шартномани Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг коммунал корхоналари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ю. Ш. Ражабов, Ҳиндистон томонидан эса «Компитент» компанияси гуруҳининг раиси ва ижрочиси, директор жаноб Раж Чопра имзоладилар.

Шартномани имзолаш чоғида «Компитент—Клаб, ПВТ, ЛДТ» компаниясининг вице-раиси жаноб Сетхи, меъмор жаноб Садчев, Ҳиндистон билан амалий ҳамкорлик Ассоциацияси бош мутахассиси Г. А. Филимонов, «Тошкент» меҳмонхонасининг директори М. Е. Левит қатнашдилар.

Ҳиндистоннинг «Компитент» беш йирик компанияси ўз мамлакатининг ташқарисида ҳам машҳурдир. Улар ўз мамлакатларида автомобилларни сотишга ихтисослашмоқдалар, кунига 600 тагача машина сотишади. Бошқаси — «Компитент—филмз» эса кино тасмаларн ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Раж Чопра Раж Капурнинг яқин дўсти бўлиб, у билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилган. Бундан ташқари қурилиш компанияси ҳам бор.

Ҳамкорликдаги

«ТОШКЕНТ—КОМПИТЕНТ»

ёки янги Совет—Ҳиндистон корхонаси

— Бу компания Совет Иттифоқи учун биринчи лойиҳани 1969 йилда тақдим этганди, — деди Г. Филимонов. — Ҳозир Деҳлида Совет маданият марказини ҳамма билади. Унда қизиқарли учрашувлар ва тадбирлар ўтказилади. Яқиндагина бу ерда Совет савдо ваколатхонасининг биноси қуриб битказилди. «Компитент» компаниясининг гуруҳи меҳмонхоналар қуриш бўйича катта тажрибага эгадир. Улар яқинда Деҳлида «Холидей Инн» меҳмонхонасини қуришди. Ў энг юқори мезон билан — «Краун Плази», бешюлдузли «Софитель Сурия» меҳмонхонаси ва бошқалар билан баҳоланмоқда.

«Тошкент» меҳмонхонаси 1956 йилда қурилган. Шу компания мутахассислари унинг пишиқ-пухта қилиб қурилганлигини таъкидламоқдалар. Буни 1986 йилги зилзила ҳам тасдиқлади. Аммо узоқ йиллар бинодан фойдаланиш таъмирлашни талаб қилмоқда. «Компитент» компанияси унинг лойиҳасини таклиф этди. Шунингдек унинг ёнида янги меҳмонхона қуришга қарор қилинди. Ў ҳам «Тошкент» меҳмонхонасига эш бўлади. Лойиҳалаш чоғида бизнинг иқлимимиз, зилзилага бардош бериши, миллий хусусиятнинг барча ўзига хосликлари ҳисобга олинди. Шунингдек, бизнесменлар учун марказ, маҳлислар зали, саломатлик маркази ҳам бунёд этилади. Битта катта ресторан ўрнига лойиҳачилар бир неча жойларда барлар, буфетлар, кафетерийлар очишни таклиф этдилар. Бу меҳмонхонада истиқомат қилаётганларнинг барчаси учун, шунингдек, бу ерга дам олиш кечасини ўтказиш учун келганларга ҳам қулай. Халқаро мезонларни ҳисобга олган ҳолда хоналар қайта жиҳозланади ва қайта режалаштирилади.

Ҳозирданоқ изланиш ишлари олиб бориляпти. Меҳмонхонани таъмирлаш ва янгисини қуришни жуда қисқа муддат — 23 ой ичида қуриб тугаллаш кўзда тутиляпти.

Янги меҳмонхона биносини лойиҳалаб, шаҳар марказидан ўрин оладиган кичик майдонни ҳисобга олиб, бўлажак қурилиш режалари уч босқичдан ўтиб бўлди. Меҳмонхонани жойлаштиришнинг бир неча нусхалари, хоналарнинг хилма-хил миқдорлари таклиф этилди. Янги меҳмонхона 400 номерли бўлиб, минорали 13 қаватли бўлади.

Ҳамкорликдаги корхона ишга тушиши билан унинг асосий фаолияти меҳмонхоналарни қуриш, қайта жиҳозлаш, таъмирлаш ва фойдаланиш, ресторан, савдо ва концерт ишларини ташкил этиш бўлади.

Бундан ташқари ҳамкорликдаги корхона воситачилик ишларини олиб боради, ижтимоий-маиший бинолар қурилиши билан шуғулланади.

Ҳамкорлик йўллари, Ҳиндистон республикаси билан бу йўл барча соҳаларда мустаҳкам йўлга қўйилмоқда. «Ўтсав» гўзал байрамининг ўтказилиши ва ўша пайтдаги учрашувлар ҳаммамизнинг ёдимизда. Яқинда эса Ҳиндистон фирмаларидан бири томонидан «Семурғ» меҳмонхонаси биноси қурилиши бўйича шартнома тузилган ва унинг қурилиши жадал бормоқда. Ҳиндистон компаниялари томонидан Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам меҳмонхоналар бунёд этилмоқда.

Н. АЛИМОВА.

Янгиликлар Воқеалар Ҳужжатлар

Алоҳида эътибор

⊙ **ТОШКЕНТ эталон заводи жамоаси асосий маҳсулотлари ўлчаш асбобларини ремонт қилиш ва тайёрлашдан ташқари халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда.** Корхонада сочилувчи маҳсулотлар учун ўлчов мосламаси, эркаклар соатлари учун браслетлар, ёритгич, турли хил ликопчалар ва ёдгорлик совғалари каби ўн турдан ортиқроқ буюмлар тайёрланмоқда. Йилига 620 минг сўмлик пластмасса ва металлардан тайёрланган истеъмол буюмлар савдо пештахталарига юборилди, — дейди корхона бош инженери Г. Заргародинов.

Д. АЪЛОЕВ.

Озодлик оролига

⊙ **ТОШКЕНТ тажриба механика-таъмирлаш заводи жамоаси ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб ютуқларни қўлга киритмоқда.** Улар 4 миллион 298 минг сўм ўрнига 4 миллион 555 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб топшириқни 106 фоиз адо этди.

Шунингдек бир қатор хорижий мамлакатлар буюртмалари ҳам шараф билан бажарилди. Жумладан гидропресслар Монголия, Куба, ГДР ва Сурия давлатига юборилди. Йил охиригача бу мамлакатларга яна 204 та ана шундай сифатли техника юборилади. Корхонанинг яна бир жаҳонга машҳур канол ўрайдиган комбайнидан бир туркуми Озодлик ороли — Кубага етиб борди.

Халқаро кўрикка

⊙ **УКРАИНА днёрида бўладиган халқаро фольклор санъати кўригига жумҳурият Андижон вилоятн фольклор ансамбли билан бир қаторда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги 4-маданият уйи қатнашчиси наққош Х. Азимов ҳам ўз санъатини намойиш қилади.** Унда дорбозлар, фольклор санъати соҳиблари, жами 45 киши Киев шаҳрига жўнаб кетади.

М. ҚОДИРОВА.

Гиламлар кўргазмаси

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Хива гилам комбинати маҳсулотларининг кўргазмаси очилди.** Бу ерда корхонада тайёрланаётган турли хил гилам маҳсулотлари билан танишиш мумкин.

О. ДИЛМУРОДОВ.

ОҚ ЙЎЛ, ЙИГИТЛАР!

ШУ КУНЛАРДА область чақириқ комиссияси одатдагидек гавжумлашиб қолди. Ҳарбий хизматга лойиқ йигитлар ўз бурчларини ўташ учун Қуролли Кучларимиз сафига жўнаб кетмоқдалар. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бу йил Ўзбекистондан чақирилган ҳарбий қурувчилар хизматини Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида ўтказишади. Жанговар қисмларда хизмат қиладиганлар учун эса етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Баҳорги чақириқ бошлангач редакциямизга турли фикр-мулоҳазалар баён этилган хатлар келмоқда. Эътиборингизга уларнинг айримларини ҳавола этяпмиз.

Менинг 6 қизим, 2 ўғлим бор. Мирҳайдар ҳозир Иваново шаҳрида хизмат бурчини ўтаяпти. Ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб, тенгқурларига ўрнак бўлгани учун унга отпуска беришибди. Анчадан бери хат йўқлигига хавотир олиб ўтирган эдим, бир пайт кулиб остонадан ўзи кириб келди. Боламнинг кўринишн дуруст, бироз тўлишибди ҳам. Уни йўқлаб чиққан қўни-қўшнилар, яқинларимиз ҳолаҳвол сўраб, гап орасида армиядаги вазиятни суриштиришди. «Бизнинг қисмимизда келишмовчиликлар йўқ, бир биримиз билан иноқмиз», — деди Мирҳайдар мамнун.

Унинг сўзларини эшитиб кўнглим тоғдек кўтарилди. Ахир, нега хурсанд бўлмай. Она борки фарзандини ўйлайди. Мусофир юртга жўнатгач, эшик тиқ этса кўчага кўз тикиб, йўлини пойлайди. Кейинги пайтда армия ҳақида баъзи нохуш хабарлар эшитаётганимиз туфайли Мирҳайдардан бироз хавотир олдим. Бўлмаса катта ўғлим Мирхалил Германияда хизмат қилган чоғларида ҳам икки йилни хотиржам ўтказганман. Уйда Мирҳайдардан хат кутиб ўтирсам, унинг дўстларидан Сардормн, Санжарми, Равшанми келиб қолишади. Худди ўғлимни кўргандек бўламан. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашгач, хавотирим унутилиб кетади.

Яқинда Мирҳайдар яна ўз қисмига жўнаб кетди. Маҳалладаги отахонлардан бири хайрлашаётиб: «Ўғлим, булбул чаманни севади, инсон Ватанни, юртингга садоқат билан хизмат қил, сог-омон қайтгин», — дея оқ фотиҳа берди. Шундай олижаноб тилаклардан кейин фахрланмай бўладими? Ўғил ўз халқи, Ватани учун керак экан, бу онанинг бахти эмасми? Киприкларимга севинч ёшлари инаётганини сезмай қолибман...

М. МИРКАРИМОВА,
Чилонзор райони, 23-мавзеда яшовчи кўп болали она.

* * *

Ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган йигитларни кўрсам, ёшлик дамларимни эслайман. Уларнинг ёшида биз уруш бошланган йили ҳарбий хизматга чақирилган эдик. Ота-онамиз кўз ёши-ю, аччиқ аламлар билан кузатишганди. Ҳозир эса йигитларни бағримизга босиб, очиқ чеҳра билан хайрлашяпмиз. Чунки улар тинч замонда, давлатимиз катта ғамхўрликлар кўрсатаётган дамларда Ватан посбонлигига боришяпти. Бекаму-кўст шароитда хизмат қилиб, ҳарбий техника сирларини ўрганишади. Ҳадемай чуқур билим ва ҳунар эгаси бўлиб қайтадилар. Менинг истагим шуки, хизмат даврида ҳар бир йигит эпчил, дадил бўлиб, келажакда ўз юртига содиқлигидан фахрланиб юрсин. Маҳалламиздаги Анвар ака, Ҳалима опа, Маннон ака ва Орип аканинг ўғиллари армия сафларида ўз бурчларини ўтаб қайтишди. Улар чиниқиб, меҳнатсевар ва одобли бўлиб келишганини кўрган маҳалла аҳлининг ҳаваси келди. Йигитлар ҳозир турли корхоналарда ишлаб, ота-оналарининг энг яқин ёрдамчисига айланишган. Бир қўшнимнинг фарзанди эса ўз бурчини Туркистон ҳарбий округидаги қурилиш қисмларидан бирида ўтайдиган бўлибди. Қандай яхши. Ўғилларимизга имтиёзлар ва шарт-шароитлар яратиб бераётган ҳукуматимиздан барча ота-оналар каби мен ҳам миннатдорман.

К. МУҲАМЕДОВ,
Улуғ Ватан урушн кексаси.

* * *

Илгари олий ўқув юртининг талабаси ҳарбий хизматни ўтаб келганидан қатъий назар, ҳарбий таълим дарсларига қатнашишга мажбур эди. Эндиликда, фақат кундузги бўлимларда таълим олаётганларга қисқартирилган ҳолда ҳарбий таълим соатлари ўтиляпти. Ёзда эса бир ярим ой мобайнида амалий машғулотлар ташкил этилади. Бу даврда йигитлар ҳарбий тартиб ва интизом билан яқиндан танишишади. Шунга қарамай, армияга бориб келишнинг фахри ўзгача, эр кишининг ҳаётида катта аҳамиятга эгадир.

Мен Москва шаҳридаги пиёда аскарлар қисмларидан бирида хизмат қилганман. Ўзга юртда ўтган икки йил ичида аввало Ватанни, ота-онанинг қадрига етишни ўргандим. Қолаверса, чиниқиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлганман.

Қуролли Кучларимиз сафига кетаётган ва ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларга тилагим, ота-оналарига ҳар ҳафтада ҳеч бўлмаса икки энлик хат ёзишни унутмасинлар.

Ш. ШОҚОСИМОВ,
ТошДУ журналистика факультетининг III курс талабаси.

СУРАТДА: ҳарбий хизматга чақирилувчиларни саралаш манзилида.

Д. Аҳмедов сурати.



⊙ «ПОЙАБЗАЛИМ ЭЛГА МАНЗУР БЎЛАРМИКАН?» 1-пойабзал фабрикасининг 2-филиали ишчиси Тоир Тожибоев катта уста Умида Алиевага тикқан маҳсулотини кўрсатмоқда.

Х. Шодиев суратн.

⊙ ХОРИЖГА ЖЎНАТИШ УЧУН. Тошкент компрессор заводида ишлаб чиқарилган янги маҳсулот.

М. Нуриддинов суратн.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисидан

МАШИНАЛАР КИМЛАРГА СОТИЛАДИ?

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 14 майдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда енгил автомашиналарни тақсимлаш ва аҳолига сотишдаги камчиликлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Мажлис ҳақида ҳикоя қилишдан олдин шу йилнинг 13 январида Тошкентнинг «Оқшом» рўзномаларида Тошкент шаҳар Совети ижроия қомитети томонидан район ижроия комитетлари ва корхоналар орқали сотиш учун бозор фонди енгил автомобиллари қандай тақсимланганлиги ҳақидаги хабар биринчи марта эълон қилинганлигини эслатиб ўтамиз.

Шуни айтиш керакки, хабар биргина шаҳар ижроия комитетининг ташаббуси билангина эълон қилинганди. Биз, редакция ходимларида бу аввалига маълум даражада таажжуб уйғотди. Гап шундаки, ушбу маълумотлар шаклан зерикарли қисқа изоҳли рақамлар жадвалидан иборат бўлиб, бизнинг матбаамиз имкониятлари ҳисобига олинадиган бўлса, уни териш ғоят даражада оғир эди. Цехда бундай материалларни рўйхуш бермай тергани қабул қилишади. Ундан сўнг қуруқ жадвални ким ҳам ўқишни истарди?

Аммо маълумотлар эълон қилинганидан сўнг олинган хатлар шаҳар ижроия комитети бугунги кунда тақчил бўлган машиналар тақсимотини ошкор этиб, тўғри қилганлигидан далолат берди. Бунинг устига иккинчи квартал бошланиши билан муштарийларимиздан иккинчи кварталда бозор фонди автомобилларининг тақсимотига доир маълумотларни эълон қилиш талаб қилинган, навбатдаги тақсимот жадвалини эълон қилиш нима учун кечикяпти, деб савол берилган хатлар ёғилиб кела бошлади. Ана шундай саволлар берилган бир қатор хатларни редакция шаҳар ижроия комитетига йўллаган эди. Куни кеча уларга жавоб олинди: тақсимлаш учун фондлар шаҳар ижроия комитетига апрель ойининг охирларидагина ажратилгани учун кечикиш рўй берган экан. Редакция ана шу жавоб билан бирга тақсимот маълумотларининг ўзини ҳам олди. Бу маълумотлар 18 майда эълон қилинди.

Редакцияга корхоналар орқали сотиш учун машиналар шундан кейин районларда қандай тақсимланиши ҳақидаги маълумотларни ҳам эълон қилиб бориш ҳақидаги таклифлар баён этилган талайгина хатлар келиб турибди. Афсуски, редакциянинг бундай имкониятлари йўқ. Сабаби, шаҳарда 11 район бор. Машиналарнинг районларда тақсимланишига доир мақолалар рўзнома саҳифаларида ҳаддан ташқари катта ўринни эгалларди, бунинг устига ана шу маълумотлар тегишли районларнинг аҳолисигагина керак.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети 14 майдаги мажлисида шаҳар прокуратураси ва Ўзбекистон ССР халқ назорати комитети ўтказган текширишлар натижаларини кўриб чиқар экан, кўпчиликка хос хато бу автомашиналарнинг Иттифоқ ва республика аҳамиятига молик корхона ва ташкилотларга ажратилишидир, деб кўрсатиб ўтди. Сабаби, уларга машиналар юқори турган министрликлар ва идоралар томонидан ажратилади. Шунингдек, машиналарнинг бошқа районларда жойлашган корхона ва ташкилотларга ажратилишига йўл қўйиб бўлмайди. Айрим район ижроия комитетларида ишловчиларнинг сонидан келиб чиқиб машиналарни меҳнат жамоалари ўртасида тақсимлашда ижтимоий адолатга риоя қилинмаганлиги қайд этиб ўтилди. Корхона ва ташкилотларнинг ўзида эса, автомашиналарни тақсимлашда ишчиларнинг салмоғи ҳисобга олинмаяпти, олинган машиналарнинг сони ҳақида тўла ошкоралик таъминланмаяпти, машина сотиб олиш учун навбатда турганларнинг, машиналар ажратилган кишиларнинг рўйхати осиб қўйилмайди, айрим ҳолларда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, Қаҳрамон оналарнинг ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларнинг имтиёзли ҳуқуқи камситилмоқда.

Албатта, машиналар ва бошқа тақчил моллар эркин савдода бўлганида, ана шундай кўнгилсиз, талайгина вақтни оладиган ташвишларга ҳожат қолмасди. Ҳамма нарса тўкин бўладиган вақтлар албатта келади. Лекин ҳозирча тақчил моллар борлиги билан муроса қилишга тўғри келади. Совет ҳокимияти тақсимотда ижтимоий адолатга риоя қилиниши ва таъминланиши учун барча чораларни кўришга даъват этилган.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда аҳолига сотиш учун автомобилларни тақсимлашда ижтимоий адолатни таъминлашга доир қатор аниқ ва қатъий тадбирлар белгиланган. Бунда халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Жумладан, ошкоралик ва аҳоли томонидан назоратни таъминлаш мақсадида, район ижроия комитетларига аҳолига сотиш учун машиналарнинг тақсимланиши ҳақидаги рўйхатларни осиб қўйиш таклиф этилди. Райондаги ҳар бир киши истаса, ижтимоий адолатга қандай риоя қилинаётганига ўзи ишонч ҳосил қилиши мумкин бўлсин.

СИФАТИ ПАСТ БУЮМЛАР

Дўконларнинг пештахталари бўшаб қолган, корхоналар эса айни вақтда қимматбаҳо хом ашёни чиқитга чиқариб юбормоқдалар. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзбекистон стандартлаш ва метрология марказининг давлат назорати шу йил биринчи кварталида ўтказган стандартлар ҳамда ўлчов воситаларини текшириш натижалари тўғрисидаги сўнгги хабарни олиб кўрайлик. Жумҳуриятимизнинг текширилган 539 та корхонасидан 346 тасида давлат стандарти талаблари бузилган.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тўрт хил андозадаги маҳсулотларни сотиш тақиқлаб қўйилди. Эркаклар костюмлари енгларининг ён томонлари ва тирсаклари тортишиб ётибди. Шимларнинг почалари бир-биридан фарқ қилади. Боз устига, костюмларнинг учта андозасида яроқсиз астарлик газламадан фойдаланилган. Буларнинг ҳаммаси текширувчиларни жазо чораларини қўллашга мажбур этди: Корхонанинг маҳсулотларни сотиш планидан 108,7 минг сўм олиб ташланди, давлат бюджети фойдасига 23 минг сўм пул ўтказилди. Бундан ташқари «Янгилик» тамғаси билан чиқариладиган маҳсулотга тўланадиган вақтинчалик 7,7 минг сўм пулни тасарруф қилиш тақиқланди.

«Ташхимсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган ўн хил халқ истеъмол моллари стандарт талабларига мос келмайди. Ташқи кўриниши, сифати, белги қўйилиши жиҳатидан чойнаклар ва ликопчалар ҳамда жим-жимали патнислар (Н. В.), тузилиши ва ўралиши жиҳатдан мос келмайдиган қасконлар шулар жумласидандир. Давлат бюджети фойдасига 15,4 минг сўм ўтказилди. Пландан 45,7 минг сўмлик маҳсулот олиб ташланди.

Ўзбекистон Давлат стандартлар комитети ахборотидан.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Дард устига чипқон»

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 11 март сонида таҳририятга келган хатлардан ана шундай саргузаштлар таъсирида мақола ҳам босилиб чиққан эди. «Синглимни Андижонга кузатиш мақсадида Тошкент аэропортининг маҳаллий ҳаво йўллари линиясига борган эдим, — деб ёзади оқшомхон, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг катта инспектори О. Нодирова. — У ерда бир талаба қариндошимни учратиб қолдим... Қўлида телеграмма. Унда «Сингилинг тўсатдан вафот этди. Тез етиб кел» деган сўзлар ёзилган эди».

Регистрация қилаётган аёл эса қўпол муомала қилибди. Бу хат текшириб, чора кўриш учун Тошкент авиация транспорти прокуратурасига юборилган эди. Тошкент авиация транспорти прокурори, 1-класс адлиячи Р. Иброҳимов имзоси билан олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

— «Дард устига чипқон»да келтирилган факт прокуратура томонидан текширилди.

Совет Иттифоқининг ҳаво йўлларида йўловчиларга хизмат қилиш бўйича кўрсатмага мувофиқ бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ телеграммаси бўлган кишилар навбатдан ташқари учиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мақолада О. Нодирова келтирган факт масаласида шу нарса аниқландики, аввало йўловчи Ш. Мирзаахмедов Тошкент — Андижон маршрути бўйлаб 99-рейсга ўрни кўрсатилмаган билет олган (мақолада йўловчининг исм-шарифи кўрсатилмаган). Текширишда яна аниқландики, Мирзаахмедов йўловчиларни жўнатиш ва кутиб олиш бўйича аэропорт ходимаси С. Шиловага мурожаат қилмаган. Бундан ташқари Ш. Мирзаахмедов маҳаллий линия аэровокзалининг смена бошлиғига дафн маросимига жўнатишини илтимос қилиб мурожаат этмаган. Самолётга қўювчи ходима смена бошлиғининг рухсатисиз йўловчиларни (билети бўлса ҳам) самолётга қўйишга ҳақи йўқ.

Аэропорт хизмат бўлимлари ходимлари томонидан йўловчига хизмат кўрсатиш қонун-қоидаси бузилмаган».

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

Ижара пудрати ва самарадорлик

ИЖАРА ҳақидаги СССР давлат Қонуни ижара пудрати усулида хўжалик юритишнинг кенгайишига замин яратди.

Тошкент шаҳар автомобиль транспортида ижара усулида иш юритиш биринчилар қаторида жорий этила бошланди. Маълумки, ижара усулида иш юритиш икки шаклдан иборат бўлиб, биринчиси ижарага транспорт воситасини олиб иш юритиш бўлса, иккинчиси ижара пудрати шаклидир. Биринчи шакл бўйича ижарачи иш вақти, бажариладиган иш ҳажми, техник қаровлар, ёқилғи, мой, эҳтиёт қисмлар ва бошқа иш учун зарур бўлган моддий техника таъминотига оид масалаларни ўзи ҳал қилади. Бу шаклда ижарачи транспорт воситасини ижарага берувчига (автотранспорт корхонасининг маъмуриятига) нормативга кўра ижара ҳақи тўлайди ва ижара ҳақидан қолган даромаддан керакли сарфларни бажаргандан кейин қолган маблағ унинг ўз даромади бўлади.

Иккинчи шакл бўйича транспорт воситаларини ижарага берувчи ва ижарачи ўртасидаги шартномага кўра ижарачи маълум ишни келишилган вақтда бажариб, келишилган миқдордаги ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз бўйнига олади. Ўз йўлида ижарачи ҳам ўз шартларини ижарага берувчи олдига қўйиши мумкин. Жумладан ёқилғи, мой, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, техник қаровлар ва таъмирлаш ишларини сифатли қилиб олиб бориш ва бошқа шартлар.

Энди ўз-ўзидан ҳар хил тўловлар, яъни: фондлар учун, меҳнат ресурслари, банклардан олинган қарзлар учун процентлар, юқори ташкилот ихтиёридаги марказлаштирилган хўжаликни ривожлантириш, илм-фан, техникага сарф қилинадиган фондларга тўлов, давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетга тўланадиган тўловларни ким ва қайси маблағ ҳисобига олиб боради, деган савол туғилади. Бу қайд қилиб ўтилган тўловларнинг ҳаммаси ижара ҳақи туркумига киритилади. Шу турдаги ижарага берувчи ва ижарачи орасидаги молиявий муносабат фақат ижара ҳақи орқали олиб борилади.

Ҳозирги кунда ижара ҳақи (олинадиган ҳар бир сўмлик даромаддан) таксомотор хўжаликларида 50 тийин миқдорида, автобус парки хўжаликларида, юк ташувчи автомобиль хўжаликларида ҳам 50 тийин миқдорида белгиланган. Тошкент шаҳар автомобиль хўжаликларида ижаранинг айнан пудрат шакли кенг жорий этилмоқда. Шаҳарда 2 автотранспорт хўжалиги бутунлай жамоа томонидан ижарага олинган. Қолган хўжаликларда жами 60 фоиз машина ижарага берилган. Ижара пудрати таксопарк, юк ва йўловчиларни ташувчи хўжаликларида бир йўла жорий қилина бошланди.

Ижара пудрати яхши натижалар бера бошлади. Масалан, таксопаркларда даромад 6—10 фоизга ошди. Юк ташиш хўжаликларида эса умумий юк ташиш режаси 106,7 фоизга бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 6,7 фоизга ошди. Иш ҳақи ҳам тез суръатлар билан оша бошлади. 1989 йилда иш ҳақи таксопаркларда 20 сўмга, юк ташиш ва автобус парки хўжаликларида 50—55 сўмга ошди. Ўртача иш ҳақи таксопаркларда 215—225 сўмни, юк ташиш хўжаликларида 294 сўмни, автобус хўжаликларида 240—255 сўмни ташкил қилди. Энди бу кўрсаткичларга қараб нима ҳисобига иш кўрсаткичлари ижара шаротида сезиларли ўзгариб кетди, бунинг асосий сабаблари нимада, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Бунинг асосий сабаблари қуйидагича: биринчидан, олдинги иш шароитида ички имкониятларни тўла очиб ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас эди. Таксопаркларда ҳайдовчиларга ҳар иш кунида 10 соат бўлиш ва бу вақтда 60—70 сўмлик даромад олиш режалаштирилган. Бу кўрсаткич бажарилиши қатъий: иш ҳақи, ҳайдовчилик малакасига қўшимча бир ойда (ҳайдовчи 1700—1750 сўмлик план бажарган ҳолда) 160—180 сўм иш ҳақи олган. Ижара шароитида эса имкониятлардан тўла фойдаланиш ва айниқса иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, машина яхши ҳолатда бўлиб, қанча тўла ишласа, шунча кўп даромад олинади ва бу ҳол ижарачи учун ҳам, давлат учун ҳам, ижарага берувчи учун ҳам манфаатлидир. Ижара шароитида, айнан шу механизм кучли ишлай бошлайди. Илгарилари агар машина сал бўлса ҳам бузилса, ҳайдовчилар дарҳол хўжаликка қайтиб кириб, машинани таъмирлашни талаб қилганлар. Лекин таъмирлаш вақтида ҳайдовчилар даромад келтирмасалар ҳам, уларга ўртача ойлик иш ҳақи ёзилаверган. Энди бундай қилинмайди, чунки иш ҳақи асосан иш бажарилишига ва у туфайли олинадиган даромадга боғлиқ. Бу шароит ижарачиларни машинанинг техник ҳолатини ҳамма вақт кузатиб, яхши ҳолатда сақлаш, бузилиш рўй берса, дарҳол ўзлари тузатишлари ёки лозим бўлса, хўжаликка келиб дарҳол қисқа вақт ичида тузатиб яна йўлга чиқишга мажбур қилади. Шу туфайли умуман машиналарнинг техник қаровларда бўлиши, таъмирлаш, туриб қолиш вақтлари 15—20 фоизга камайди. Бундан ташқари ҳайдовчилар техник қаровлар сифатини яхшилашга эътибор бера бошладилар. Илгари бу ишларнинг сифатига улар мутлақо эътиборсиз эдилар. Иккинчидан, ижара усулининг самараси шундан иборатки, ижарага олинган транспорт воситалари бирмунча зиёда, яъни аямай ишлатилади. Бу ҳол бир томондан ижобий натижа берган бўлса, иккинчи томондан маълум муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Транспорт воситаларининг бундай ишлатилиши улар техник ҳолатининг ёмонлашувини тезлатиб, ишдан чиқишини жадаллаштира бошлади. Бу эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжни бирмунча оширди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳар бир транспорт воситасига қилинадиган сарф 2—4 фоизга ошган. Бундан ташқари техник қаров, таъмирлаш жойларида иш ҳажмининг ортиб кетишига олиб келди. Иқтисодий жиҳатдан машиналарни бундай «эзиб» ишлатиш уларнинг «ишдан чиқиш» даврини деярли 1,5—2 баравар қисқартирди. Бу иш транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжни 1,5—2 баравар оширади. Учинчидан, ижарачининг иқтисодий самарадорлиги иш вақтининг беҳуда йўқолиш ҳолларининг бирмунча камайишидир. Масалан, илгари ҳайдовчи ишга келиб, бутун ҳужжатларни расмийлаштириб, то йўлга чиққунча 40—60 минут вақт йўқотган бўлса, эндиликда бор-йўғи 10—15 минут ичида йўлга чиқади. Беҳуда сарф қилинган вақт эндиликда ишга сарфланиб қўшимча даромад манбаига айланди. Ижара шароитида иш юритиш автохўжаликлар ишини бирмунча қайта қуришни тақозо қилади. Айниқса техник қаров, созлаш жойларида иш пуллик бўлиб, ҳар бир бажариладиган ишнинг ва сарф қилинадиган материал, ҳом ашё, эҳтиёт қисмларнинг нархи эски давлат нархида эмас, ҳозирги шароитни ҳисобга олиб «коммерцион» нархда белгиланиши керак.

Ёқилғи, мой билан таъминловчи бўлимлар иши чек системасига ўтказилиши керак, эҳтиёт қисмлар созланадиган омбор иши магазин системасида олиб борилиб, иш «олди-сотди» усулида олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна бир муаммо: нима учундир ижарага анчамунча эскириб, шалоғи чиққан, эскириш муддатини деярли ўтаб бўлган транспорт воситалари бериляпти. Бу ҳол айниқса таксомотор ва юк ташиш хўжаликларида кўпроқ юз бераяпти. Ҳаммага маълумки, транспорт воситасининг техник ҳолати иш натижасига ва у орқали даромадга бевосита таъсир қилади. Транспорт воситаси қанча эски бўлса, ундан унумли фойдаланиш шунча қийин бўлади. Бундан ташқари транспорт воситаси эскирган сари фойдаланишга кетадиган харажатлар ҳам ортиб бораверади. Шу жумладан машинага сарф қилинадиган эҳтиёт қисмлар, ёқилғи сарфи ҳам ортиб бораверади. Эски машиналарнинг созлаш жойларида туриш вақти ҳам янгисиникига қараганда бирмунча кўп. Шунинг учун ижара ҳақи ижарага берилаётган транспорт воситаларининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ўрнатилса, тўғри бўлган бўлар эди. Масалан, янги машиналар учун (капитал ремонтга қадар) юқорироқ, капитал ремонтдан чиққанлари учун камроқ бўлса яхши бўлар эди. Ижара пудратига ўтиб ишлаш муносабати билан автохўжаликларда бошқарув тузилиши вазифа ва масъулиятларини ўзгартириб, аппарат ходимларини қисқартириш ишларини олиб бориш керак. Режалаштириш, ҳисоб-китобга оид ишларнинг мазмуни ва ҳажмининг ўзгариши туфайли автохўжаликдаги бошқарув аппаратида ходимларнинг сони бирмунча камайтирилиши керак. Умуман ижара пудрати шароитида автохўжалик маъмуриятининг асосий вазифаси техник қаров, ремонт ишларини яхши ташкил қилиш, ёқилғи-мой, эҳтиёт қисмлар билан таъминотни яхши йўлга қўйиш, ижтимоий масалаларни етарли даражада ҳал қилишга қаратилиши лозим. Ижара шароитининг имкониятлари катта бўлиб, улардан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Ижаранинг механизмлари очилиб, уларнинг яхши ишлашига шароит яратилса, иш самараси янада ортиб боради.

С. САЛИМОВ,
техника фанлари доктори, профессор.

Хориждан хабарлар

⊙ ЖАЗОИР. Жазоир миллий халқ мажлиси (парламенти)нинг баҳорги сессияси ўз ишини етмишинчи йилларда йўл қўйилган суиистеъмолларни тафтиш қилиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилишдан бошлади.

Мамлакатнинг собиқ бош министри Абдулҳамид Иброҳимийнинг бу ерда «Жазоирдаги тўғрилик даври» деб аталган ўша даврда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида порахўрлик кенг тарқалганлиги тўғрисидаги баёноти шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. Унинг гапларига қараганда, ўша даврдаги юқори мартабали арбоблар 26 миллиард доллар миқдорида жуда катта турли хил поралар олишган. Бу — мамлакатнинг ҳозирги ташқи қарзига тенгдир.

«26 миллиард тўғрисидаги иш» Жазоирда сўнгги йиллардаги энг катта можаро бўлди. ЖХДР ҳукуматининг ҳозирги бошлиғи Мулуд Ҳамруш мамлакатда иқтисодиётга маъмурий-буйруқбозлик йўли билан раҳбарлик қилиш системаси ҳукмронлик қилган даврда суиистеъмолларга йўл қўйилган бўлишн мумкинлигини эътироф этди, лекин поралар ҳажми хусусида шубҳа билдирди. Айни ҳукумат бошлиғи ҳақиқатни юзага чиқариши лозим бўлган парламент комиссиясини тузишни таклиф қилди.

Баҳорги сессия кун тартибига бир қанча қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳам киритилган. Булар орасида энг муҳими, маҳаллий матбуотнинг фикрича, касаба уюшмаларининг фаолияти тўғрисидаги янги қонундир.

⊙ ҚОҲИРА. Исроил прокуратураси ва тергов органлари Исроил армиясининг юқори мартабали офицерини Колумбия қорадори жиноятчилиги бошлиқларига Исроилнинг энг янги қуролларини етказиб беришда ва уларнинг жангариларини тайёргарликдан ўтказишда айблаб, унга қарши жиноий иш қўзғашга мажбур бўлди.

Исроил томони ўз гражданларининг Колумбия қорадорифурушлигига дахлдор эмаслиги тўғрисида ишонтиришга ҳар қанча уринмасин, Марказий Америкадаги бир қанча мамлакатлар ҳукуматлари ўтказган тафтиш полковник Ямр Клейн Исроилнинг тўрт юзта автомат қуроли ва жуда кўп миқдордаги портловчи моддаларнинг Антигуадан қорадори жиноятчилиги бошлиқларидан бири Гонсалво Родригесининг шаҳардан ташқаридаги қўрғонига етказиб берилишини ташкил қилганлиги ва бевосита амалга оширганлигини кўрсатди.

Шунисн диққатга сазоворки, Клейнга қарши жиноий иш «Исроил мудофаа министрлигининг илтимосига кўра қўзғатилган. Министрлик ўз офицерларининг Колумбия қорадори жиноятчилиги билан ҳамкорлик қилаётгани тўғрисидаги барча хабарларни назарписанд қилмади. Маҳаллий шарҳловчиларнинг фикрича, Исроил ҳарбий маҳкамасининг бундай «илтимос» билан мурожаат этишига бутун айбни биргина Клейнга (энди унинг айбдорлигига ҳеч ким шубҳаланмаяпти) ёпиштириб, можароли битимнинг бошқа тафсилотларини ошкор этмасликка интилиш сабаб бўлган.

⊙ ДЕҲЛИ. Энг катта оппозицион партия — Ҳиндистон миллий конгреси (и)нинг таъшаббуси билан нарх-навонинг ўсиб боришига қарши бутун Ҳиндистонда бўлиб ўтган намойишларда қарийб икки миллион одам қатнашди. Мамлакат штатларининг кўпгинасига маъмурий марказларида, республиканинг 500 дан кўпроқ шаҳрида халқ намойишлари бўлди.

Ҳиндистон пойтахтида катта таассурот қолдирадиган намойиш бўлиб ўтди. Ҳиндистон миллий конгресси (и)нинг фаоллари, аҳоли турли қатламларининг вакиллари—жами 50 мингдан зиёд киши шаҳарнинг марказий Раж-Патху кўчасидан ўтди. Ҳиндистон миллий конгресси (и)нинг Деҳлидаги ташкилотн делегацияси мамлакат президенти Рамасвами Венкатараманга меморандум топширди. Унда Ҳиндистонга миллий фронт ҳукумати раҳбарлик қила бошлаганидан буён ўтган ярим йил ичида бир қанча товарлар, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар нархи 40—100 фоиз ошиб кетганлиги таъкидланган. (ТАСС).

АҚШ. Сиэтл (Вашингтон штати) шаҳрининг полициячилари мана шу транспортни танладилар. Одатда машиналарда жиноятчиларнинг кетидан қувиш йўл ғоятда серқатнов бўлганлиги учун қийинлашиб кетгани сабабли, айниқса тор йўлларида махсус «велосипедда автомобиллар кириб бораолмайдиган жойларга бемалол бориш мумкин.

Суратда: гиёҳванд контрабандачилар уйига полициячилар биринчи бўлиб велосипедда кириб боришмоқда.

ЯПОНИЯ. «Мицуи дзосэн» кемасозлик фирмаси ғоятда йирик бўлиб, бу ердаги барча ишларни бор-йўғи бир минг уч юз ишчи бажаради. Шундан 600 нафари мавсумий ишчилардир.

Суратда: кемада туш пайтида.



Воқеа арафасида

ФАНГА ФИДОЙИЛИК



⊙ Таниқли ўзбек олими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Саъди Ҳасанович Сирожиддинов барча илмий доираларда эътироф этилган ва илмий мактаб яратган риёзиёт фанининг улуғ алломаларидан бири эди, у 10 фан доктори, 50 дан ортиқ фан номзодини тайёрлаган, 5 та монография, иккита дарслик, юздан ортиқ илмий мақолалар яратган. Олим фаолиятига бағишланиб эртага эҳтимоллар назариясининг лимит теоремалари бўйича Бутуниттифоқ илмий конференцияси бўлиб ўтади.

УСТОДнинг дастлабки ишлари математик анализга доир эди. Шогирдлари бу ишлар натижасидан кенг фойдаланишган. Риёзиётнинг кенг амалий тадбиқларга эга бўлган замонавий соҳаларидан бири — эҳтимоллар назарияси ва математик статистикадир. Саъди Ҳасанович шу соҳада айниқса сермаҳсул ижод қилди. Устод Марков занжирларига оид илмий натижалари билан дунёга танилди. «Сирожиддинов теоремаси», «Сирожиддинов шартлари», «Сирожиддиновнинг асимптотик ёйилмалари» атамалари Марков занжирига оид кўплаб тадқиқотларга сингиб кетди. Домла устози — академик А. Н. Колмогоровнинг шу йўналишга доир ишларини умумлаштирди, унга қараганда аниқроқ натижаларни олди. Бунинг учун тадқиқотнинг янги методи зарур эди. Уни Саъди Ҳасанович топди — бу эҳтимоллар назариясида фавқулодда ҳодиса бўлди. Саъди Ҳасанович таклиф этган метод кенг эътироф этилди. Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск каби йирик илмий марказларда, ҳорижий мутахассислар рисолаларида бу методга ҳали-ҳануз мурожаат этишади. Кейинчалик бу метод устоднинг шогирдлари томонидан янада ривожлантирилди.

Устод шуғулланган яна бир илмий йўналиш Ўрта Осиё математика тарихи бўйича тадқиқотлардир. Бу соҳада ҳам Саъди Ҳасанович ўзига хос мактаб яратди. У буюк аллома-ларимиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний асарларининг таржима қилинишига, чоп этилишига бошчилик қилди, улар ҳаёти, ижодига оид рисолалар ёзди. Шу билан бирга, домла жумҳуриятимизда олий таълим, маориф ривожига салмоқли ҳисса қўшди, қатор дарсликлар, илмий-методик мақолалар чоп этди.

Риёзиётни ёшлар фани дейишади. Устод икки кам 70 да вафот этдилар. Умрларининг охиригача ҳам ижодий иш билан шуғулландилар. Маълумки, илмий иш, ижод ҳамма йилларда ҳам бир текис, бирдек яхши, сермаҳсул бўлавермайди. Лекин умрининг охиригача домлада ижод сўнмаган. Кейинги йилларда у кишц илмий фаолият, кучли, эътиборни жалб қилувчи натижалар олиш борасида янада «очилди». 1987 йилда «Фан» нашриётида Саъди Ҳасановичнинг (ўз шогирди М. Ғофуров билан ҳамкорликда) монографияси чоп этилди. Рисолада жиддий ютуқлар жамланган. Бу рисола Тошкент эҳтимоллар назарияси мактабида янги илмий йўналиш очиб берди. Теоремаларнинг чиройли, дилрабо исботларига тан бермай илож йўқ. 80-йилларда устоз комбинаторика, ҳисоблаш математикаси ва эҳтимоллар назариясининг туташ нуқтасида ажойиб натижаларни олди. Бу муаммолар устоднинг машҳур совет математиги, академик С. Л. Соболев билан қилган суҳбатларида пайдо бўлган. Ижодий ҳамкорлик, илмий мулоқот ҳаммавақт яхши, самарали натижалар беради. Кези келганда шуни айтайки, С. Л. Соболев Ўзбекистонда бир неча бор бўлган, Ўзбекистонга меҳнати сингган аллома эди. Физика-математика фанлари доктори, Беруний мукофоти лауреати Ғ. Солиҳов, физика-математика фанлари кандидати, ТошДУ ҳисоблаш математикаси кафедрасининг мудири З. Жамоловлар С. Л. Соболевнинг шогирдларидир. С. Л. Соболевга бу иккала риёзиётчини Саъди Ҳасанович юборган эди.

Домла кейинги йилларда компьютерларга «ошиқ» бўлиб қолганди. Бир неча, ҳаттоки, натижаларни ўзи чоп этадиган компьютери бор эди. Тонг отгунча ЭҲМда турли статистик жадвалларни текшириб кўрар, ўзлари ҳам турли жадваллар тузар эдилар.

Боғбондан боғ қолади, олимдан илмий мактаб, шогирдлар. Шогирдсиз олим — мевасиз дарахт, дейишади. Саъди Ҳасанович иқтидорли ёшларни топиш, тарбиялаш ишида фаоллик кўрсатган эдилар. Ҳақиқатан ҳам, илмга қизиққан талаба устод эътиборидан четда қолмаган. Кўплаб ёшларни Москва, Ленинград, Киев, Новосибирскдаги университетларга ўқишга, аспирантурага, докторантурага юборишга бош-қош бўлди. 1970 йилда жумҳуриятимизда физика, математикага иқтидори баланд болалар учун мактаб-интернат очилди. Бу ишнинг тепасида устод турди. Шу интернатни биринчи битирганлар ичида ҳозирда кўплаб фан номзодлари, докторлик диссертацияларини тайёрлаётганлар бор.

Устод ҳозирги ўқувчиларда фанимиз, жамиятимиз келажагини кўргандек бўлар эдилар, жумҳуриятимизнинг турли мактабларида бўлардилар. Домла охирги марта, 1988 йили февралининг бошларида Собир Раҳимов районидаги Куйбишев номли 1-мактабда бўлдилар. Академик шу мактабда бир пайтлар ўқиган эканлар. 1-мактаб республикамиздаги таниқли мактаблардан, унинг пойдеворига Йўлдош ота Охунбобоев ғишт қўйган. 1-мактабнинг математика муаллими Миркамол ака Юсупов домлани мактабга таклиф қилиб, дорилфунунга келиб қолишди... Саъди ака мактабда бўлди, риёзиётнинг замонавий тадқиқотлари ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказди.

Мактабдаги учрашувдан 3—4 кун ўтиб у киши дам олишга кетдилар. 5 мартда қайтиб келиб, 10 март пайшанба куни дарсда бўлдилар. Машғулотдан чиқиб: «Бироз чарчадим-а», дедилар... Бу устоднинг дорилфунунга охирги марта келишлари, талабалар олдидаги охирги маърузалари эди... Дорилфунун, кафедра, факультет ҳувиллаб қолгандек. Яхши бир куй, роҳатбахш мусиқа авж пардаларда тўхталиб қолгандек...

Саъди Ҳасановичнинг қизиқиш доиралари жуда кенг эди. Классик адабиётимиз, мусиқамизнинг нозиктаъб билимдони эдилар. Тарихимизни яхши билар, бой маданиятимиз, тарихимиз билан фахрланар, Иттифоқимиздаги ҳорижий юртлардаги кўплаб дўстларига «Мен Ўзбекистон фарзандиман!», дея ғурур билан айтардилар.Умр бўйи буюк аллома-ларимиз ал-Хоразмий, Беруний, ижодини кенг тарғибот этдилар. Лутфий, Бобур ижодидан баҳслашишни ёқтирардилар.

Эртага жумҳурият Фанлар академиясида олим ҳаёти ва ижодига бағишланган анжуманда халқига фидойи буюк олимимизнинг эҳтимоллар назарияси бўйича яратган мактаби, унинг қизғин ҳаёти ва бой ижодий мероси ҳақида маърузалар, дўстларининг хотиралари тингланади. Бутуниттифоқ анжуманининг олимга бағишлаб ўтказилиши заҳматкаш аллома хотирасига эҳтиром рамзи бўлади.

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти.

Барча гўзалликлар тимсоли

⊙ Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган.
Н. А. НЕКРАСОВ.

⊙ Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади.
И. С. ТУРГЕНЕВ.

⊙ Ердаги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли юзага келган.
М. ГОРЬКИЙ.

⊙ Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.
Ж. МАДЗИНИ.

⊙ Аёлга муносабат — номус, шарм-ҳаё, одоб, олижанобликнинг энг нозик ўлчови, раҳмдилликни тарбиялашнинг олий мактабидир.
В. А. СУХОМЛИНСКИЙ.

Турмуш чорраҳаларида

АЁЛ БАХТИ

ФАРЗАНДИМ, кўзим қароғи. Сенинг кулгуларинг, чарос кўзларинг мен учун ҳаёт гулшанидир. Сени бағримга босганимда, қулоғим остида жажжи юрагингнинг дукури эшитилади. Бу менга ҳароратли меҳр-муҳаббат бахш этади, ҳаётга, яшашга иштиёқ уйғотади. Ада, ада, дея ишдан ҳориб келган адажонингни бағриларига талпинишингни, дадангни эса оталикнинг туганмас меҳр-муҳаббатига лиқ тўла кўзлари билан сени суюб, эркалашларини кўриб, дилим қувончдан яйраб кетади.

Ҳар гал гўдак кулгуси қулоғимга чалингудек бўлса, жиз этган юрак санчиғила, беихтиёр «болаликнинг мусаффо тонги, борлиғи насиб этмаётган, нафис жилмайиши ўрнига онаизорининг қалб оғриғи, оҳ-фарёдини туюб яшаётган уч норасида гўдакни» кўз олдимга келтираман...

Келинг, яхшиси шу воқеани айтиб бера қолай. Касалхонанинг беш кишилик хонаси. Буни қарангки, бешаловимиз ҳам илк бор гўдакни бағрига олаётган ёш оналар эканмиз. Бир куни эса суҳбатимиз мавзуси бахт ҳақида бўлди. Шунда бир ҳамхонамиз ўз бахтини мақтаб қолди:

— Мени айтса бўлади, бахтли аёл деб, учта боласи-ю, хотинидан мени устун кўрди... Севади-да, мен ҳам севаман, ўғилчалик бўлганлигидан терисига сиғмай суюнди. Болаларининг иккитаси ўғил, биттаси қиз эди. Э, уларни умуман ўйламайди ҳам, фақат мени ўйлайди, менга ҳам шу керак!..

Хона ичига гўё совуқ аёз кириб қолган-у, ҳар қайсимизни музлатиб, ҳайкалга айлантиришга уринаётганга ўхшар, кўзларимиз тўқнашмаслигига ҳаракат қилардик. Имоним комил эдики, шу тобда тўрталамизнинг кўз ўнгимизда жондан азиз ширин гўдагимиз, уни бағрига босишга ошиқиб, тунларни тонгларга улаётган умр йўлдошимиз, кейин эса кўзлари аламли ёшлардан қизарган маъюс аёл ва унинг бағридаги кўзлари мўлтираб боқиб турган уч болакай гавдаланиб турарди...

— Сиз бахтлимисиз?... У хотини билан нима сабабдан ажрашган? Муз қотган лабларимни зўрбазўр ҳаракатлантириб, ички бир нидо билан айта олган сўзим шу бўлди.

— Ҳа, албатта, бахтлиман! У, аёл касал бўлиб ётиб қолганди, нима, эркак умрини касал хотин билан ўтказиши керакми? Зарил келибдими, рангига сарғайиб қараб ўтириб?

— Ахир, болаларини ўйламадингизми?

— Э, туққандан кейин керак бўлса боқиб олади-да...

Эндигина ўн тўққиз ёшга кирган қизнинг гапларини эшитиб ҳайрон қолгандим, бор вужудим нафратга айланиб ўзимни зўрға тутиб турардим. Йўқ, бу ҳолни танимга ҳазм қила олмадим, ахийри мухбирлик гувоҳномамни олганча, ўша хонадонни излаб бордим. Дарвозадан қарши олган аёлнинг маъюс ва дардли, маъюдор кўзларига, офтоб мисол тафтли, ғамга ботган чеҳрасини кўриб юрагим эзилиб кетди.

Ширин сўзли Боғдагул билан бирпасда худди қариндошлардек тил топишдик. Қалб ярасига тегиб кетишдан қўрқа-писа, саволлар бера бошладим. Синиқ, лекин самимий табассум ўрнини энди ғам ва алам қўланкаси эгаллади.

— Томга хашак чиқариб босаман деб йиқилиб кетдим, — деди у оҳиста. — Ўнг оёғимнинг суяги синганди, чап оёғим лат еганди. Салкам уч ой иккала оёғим гипсда бўлди. Шу баҳона бўлиб, касал хотин билан умримни ўтказмайман деб, у қиз билан бўлиб кетаверди... Аввалига анча қийналдик, соғайиб кетгандан кейин эса ўзимни ўнглашга ҳаракат қилдим... Мана шу уччала болам ёмон бўлса бўлгани, бахтим ҳам, ҳаётим мазмуни ҳам шу фарзандларим...

Ҳар бирининг кўзларидан истиқболли келажак ва жафокаш онажонларига нисбатан туганмас меҳр-муҳаббат акс этиб турган болажонлар билан хайрлашарканман, она иродасига, қалби нақадар кенг ва меҳрибонлигига ичимда таҳсинлар ўқидим. Ва кўз ёшларимни жимгина артдим.

Норжон ЭШОНҚУЛОВА.

Бир хат изидан

ҲАЁТЖОН НЕГА САРСОН?

«Ҳурматли редакция! Шу йил 8 январь куни бетоб бўлиб, 4-шаҳар касалхонасига тушиб қолдим. Уч ёшли ўғлим Ҳаётжон яслида эди. Ундан хавотир олганимда гинеқолог-врач соғайгунимча қараб туришини айтди. Ҳаётжонни яслидан олиш учун тилхат ёзиб бердим. Аммо кўнглим жойига тушмай, икки кундан сўнг касалхонадан чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Болам тарбияланаётган муассасага борсам, уни болалар уйига топшириш учун ҳужжат тайёрлашаётган экан. Ҳайрон бўлиб қолдим. Шундан бери Ҳаётжонни яслига олишмаяпти. Ишга кетаётганда уни кимга қолдириб кетишни билолмайман. Ёрдам беринг.

Хосият ТОЛИБОВА,
ёлғиз она.

Газетхоннинг изтироб билан ёзилган мактуби йўлга чорлади. Хосият Толибова Тошкентдаги ёғочни қайта ишлаш корхонасида меҳнат қилар экан.

— Жуда оғир аҳволда қолдим, — деди у суҳбат чоғида. — Боламни қўшниларникида қолдириб, ишдан пешиндан сўнг қайтиб келишга мажбур бўляпман. Одамнинг ҳол-аҳволини аниқламай туриб, орқаворотдан бир қарорга келиш тўғрими? Менимча, йўқ. Ўша куни яслига келганимда мудира З. Эгамбердиева сўзларимга қулоқ солишни ҳам истамай, ўғлимни бошқа муассасага ўтказиш ҳақида тилхат ёздириб олди.

Хўш, нега шундай воқеа рўй берди? Ахир одамгарчилик юзасидан ёрдам бермоқчи бўлган врач-гинеколог Г. Зокирова Ҳаётжонни яслидан олиш учун тилхат билан борган эди-ку. Афсуски, у уйига ўзи қайтди. Ҳаётжонни эса икки кун тарбиячи Феруза хон ўзи билан олиб кетди. Бу орада мудира Хосиятнинг яшаш жойига телефон қилган. Жавоб бўлавергач, район халқ маорифига мурожаат қилиб, болалар уйига ҳужжат тайёрлашга киришади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Она касалхонада даволанаётганини билатуриб, ясли маъмурияти тутган йўл тўғрими? Ёки илгари ҳам Ҳаётжоннинг ҳаётида шундай воқеалар учраб турганмикин.

— Йўқ, биринчи марта бўляпти, — дейишди ясли мудири З. Эгамбердиева, методист - Х. Умарова, тарбиячи Ф. Икромовалар бараварига.

Ҳаётда ҳар хил вазиятлар бўлиб қолади. Шундай кезларда ақл билан иш тутибгина, барча чигалликлар осон ҳал этилади. Юқорида содир бўлган воқеада 327-болалар яслиси маъмуриятини айбламоқчи эмасмиз, балки улар ҳақдир. Аммо инсон тақдирига ёндошаётганда ғамхўрлик, меҳр-шафқат билан ҳулоса чиқариш зарурлигини эслатиб ўтмоқчимиз, холос. Ўйлаймизки, Октябрь район халқ таълими бўлими раҳбарлари бир қанча вақтдан бери қўшниларникида сарсон бўлаётган Ҳаётжонга бефарқ қарашмаса керак.

М. СУЛАЙМОНОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

О Р З У

У қиз асли андижонлик. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ҳуқуқшунос бўлишни орзу қиларди. Ноҳақлик, адолатсизликларни кўриб дили оғирди.

Дилшода Раҳмонова 1985 йили Андижон вилояти Андижон районидаги Ҳамза номли 36-ўрта мактабни олтин медаль билан битиргач, эзгу мақсадига етиш йўлида жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Икки йил ўқиб ўрганди, сўнгра ҳужжатларини Тошкент дорилфунуни ҳуқуқшунослик қуллиётига топширди. Ҳозир у, учинчи курс талабаси. Қуллиёт касаба уюшмаси, ётоқхона қизлар кенгашининг раиси сифатида ҳам Дилшоданинг ташвишлари кўп. У қуллиёт жамоат ишларида фаол аълочи толибалардан.

— Бўш вақтимда бадиий китоб ўқишни, шахмат ўйнашни ёқтираман, расм чизишни севаман, — дейди Дилшода. — Бирор иш қилмоқчи бўлсам дугоналарим Шоира Юсупова ва Нодира Муҳамедовалар билан албатта маслаҳатлашаман.

Тиниб-тинчимас қиз ҳозирги пайтда ётоқхонада бичиш-тикиш хонасини барпо этиш учун ҳаракат қилмоқда.

— Бичиш-тикишни билиш ҳар бир қизнинг бурчи, — дейди у. —Ахир биз катта ҳаёт бўсағасида турибмиз.

Нима ҳам дердик. Ана шундай аълочи, фидойи, опа-сингилларимиз борлигидан фахрланамиз. Шундайлар билан ҳаёт гўзалда асли.

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.

Л О Б А Р Л А Р

БУНДАН уч-тўрт йил олдин Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари магазин пештахталарида қалашиб ётар эди. Эндиликда акс ҳол рўй бериб, бу маҳсулотлар харидоргир бўлиб кетди. Сабаби сифатли матолардан сифатли бош кийимлар ишлаб чиқарила бошланди. Ишлаб чиқаришда бош мезон — сифат бўлиб қолди. Тикувчилар ҳар бир тикув жараёнини қнёмига етказиб бажаришлари туфайли техник назоратчилар томонидан эътироз эшитмаяптилар.

— Фабрикадаги биринчи цех билан иккинчи цех мусобақадош, — дейди техник назорат бўлими назоратчиси Феруза Қорабоева. — Биринчи цехда 197 нафар меҳнат қилади. Улар етти бригадага бўлинган ҳолда икки сменада ишлашади. Бу бригада иккинчи цехга нисбатан яхши натижаларга эришмоқда. Апрель ойи планини 101 фоизга бажарди. Биринчи цехдаги Мавлуда Жўрахонова, Ҳалима Ғознева ва Людмила Пятигорскаялар бошлиқ жамоалар ҳамиша олдинда бормоқда, — дейди цех бошлиғи Мўътабар Нурмуҳамедова. Унинг ўзи фабрикадаги хотин-қизлар кенгашининг раиси. Хотин-қизлар муаммосини ҳар доим вақтида ҳал қилишга ҳаракат қилади. Цехда илғор мураббий нафақага чиқди. Улар ёшларнинг кўмакчиси. Тикувчи Мўътабар Икромова Охунбобоев номли мукофот совриндори бўлган. Меҳнат жамоасида пенсияга чиққанлардан Ҳури Иноғомжонова, Зебо Норқўзиева ва Аня Мезиновалар жонажон жамоасидан ажралмасдан самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Цех жамоасининг мақсади битта — бу ҳам бўлса йил давомида яхши натижалар билан ишлаш!

Холмат МИРЗАКАРИМОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: пешқадам тикувчи М. Ҳамидова; З. Раҳмонқулова бошлиқ бригада иш устида.

Муаллиф суратлари.

ПАХТА ДАЛАСИГА — ЭЛЕКТР МАЙДОНИ ОРҚАЛИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институти олимлари пахта далалари ҳосилдорлигини ошириш учун курашда электр майдонидан фойдаландилар. Улар толадан тозаланган чигитни саралайдиган ва унга юқори кучланишли ток билан ишлов берадиган махсус қурилма ишлаб чиқдилар.

Янги усул уруғликларнинг биологик хусусиятларини фаоллаштириш имконини беради, уларнинг ўсишини тезлаштиради. Синовларнинг кўрсатишича, электр майдони ёрдамида ҳар гектар пахта майдони ҳосилдорлигини 4—6 центнер кўпайтириш мумкин.

ШИФОБАХШ ЧОЙ

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида ишлаб чиқарила бошланган шифобахш чой навларига «Эталон», «Идеал» ва «Муаттар» деган номлар қўйилди. Бу чойларнинг рецептларини озиқ-овқат саноатига қарашли Ўрта Осиё илмий-текшириш институти олимлари ишлаб чиқишди.

Бу ерда чойга Ўзбекистонда кўплаб ўсадиган қизилпойча, зира, жамбил, ялпиз, райҳон каби шифобахш гиёҳлар қўшилаяпти. Кишиларга тетиклик ва саломатлик бахш этадиган бундай чойларни ишлаб чиқиш корхонанинг хушбўй ва шифобахш қўшимчаларни майдалайдиган ва уларга ишлов берадиган махсус қурилмалар ўрнатилган цехларида йўлга қўйилган.

ПОЗНАНЬ ЯРМАРКАСИДА БИРИНЧИ МАРТА

10 июнь куни Польшанинг Познань шаҳрида очиладиган халқаро ярмаркада Ўзбекистон ССР биринчи бор катта кўргазма билан қатнашади. Республикамиз ютуқларини намойиш қилиш учун 300 квадрат метрли майдон ажратилади. Бу ерда Ўзбекистон енгил, маҳаллий, озиқ-овқат саноати корхоналарида тайёрланган маҳсулотларнинг мингга яқин намунаси, Фанлар академияси ва олий ўқув юртларининг ишланмалари намойиш этилади. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, «Совпластитал» Совет — Италия қўшма корхонаси, Тошкентдаги «Компрессор» заводи ҳам ўз маҳсулотларини кўрсатади.

Познань ярмаркасининг бош директори Станислав Ласковски ва унинг тижорат ишлари директори Грегор Туркевич кўргазма экспонатлари билан танишиш учун Тошкентга келди.

ЎзТАГ мухбири Познань халқаро ярмаркасининг Бош директори билан учрашиб, ундан ўз таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Биз Ўзбекистон ССР-нинг ярмаркамизда иштирок этишидан хурсандмиз. Бу ҳар икки томон учун манфаатлидир. Биринчидан, республикангиз корхоналари Познанда ўз экспорт имкониятларини синаб кўришлари, ўзаро манфаатли шартномалар тузишлари мумкин. Иккинчидан, кўпгина чет эл фирмаларининг вакиллари Ўзбекистон қандай имкониятларга эга эканлигини яхшироқ билиб олишади. Польша савдо-саноат доиралари сизнинг корхоналарингиз билан алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор.

Ўзбекистон ярмаркамизда янги меҳмон бўлишини тушунамиз. Шунинг учун ҳам сизларга ёрдамлашишга ҳаракат қиламиз. Сизларнинг Познанга илк бор келишингиздан чин дилдан хурсандмиз. Кўргазмангизга қараганда, сизнинг биринчи иштирокингиз муваффақиятли бўлиши керак.

Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси президиумининг раиси А. Мирсандова эса шундай фикр билдирди:

— Тан олиш керакки, Познань ярмаркасига тайёрланишда биз ҳали ўз имкониятларимизнинг ҳаммасидан фойдаланганимиз йўқ. Сирасини айтадиган бўлсак, биз эндигина чет эл бозори ҳавосини олаяпмиз. Олдинда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш юзасидан жуда катта ишлар турибди. Бизда ўз маҳсулотини чет элга сотиш учун таклиф қила оладиган корхоналар анчагина. Яна бир муҳим нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман: ярмарка ишида қатнашадиган мутахассислар манфаатдор кишилар билан республикада чет эллариинг илғор технологиялари асосида ишлайдиган кичик ва ўртача катталикдаги турли хил корхоналарни барпо этиш тўғрисида музокаралар олиб боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗАЛ, СОҒЛОМ ВА ЕШ БЎЛИШ УЧУН. Тошкентда янги маданий-соғломлаштириш маркази очилди. У фақат аёлларга мўлжалланган. Хотин-қизлар бу ерда енгил гимнастика, у-шу, каратэ, тайквон-до ва бошқа ўйин турлари билан шуғулланадилар. Бу ерда қайси турдаги машғулот билан шуғулланиш ҳақида маслаҳатлар берилади.

СУРАТДА: машқ залида.

Ф. Қурбонбоев (ЎзТАГ) сурати.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» САЁҲАТЧИЛАР ФИРМАСИ

Тошкентда ташкил этилган «Буюк ипак йўли» фирмаси хорижий саёҳатчиларга Хиндистонни Хитой, Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан қадим замонларда боғлаган карвон йўлларидан ўтиш имкониятини беради. Фирма «Интурист»нинг рақибига айланган хўжалик ҳисобидаги «Сайёҳ-Интур» бирлашмаси қошидаги иш бошлади.

Янги фирманинг мақсади саёҳат ишқибозларини қадимий анъаналар билан таништиришдан, уларга ўтмишда Буюк ипак йўли билан боғлиқ халқларнинг турмуш тўғрисида ҳикоя қилиб беришдан иборат.

Янги фирма ишлаб чиққан саёҳат йўлларини хозирги Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзни боғлаган буюк ипак йўлининг жуда гавжум қисмидан ўтади. Бу йўллар билан АҚШ ва Польшадан келган сайёҳлар биринчи бўлиб танишдилар.

Фирма Буюк ипак йўлига нисбатан жуда катта қизиқиш туфайли ташкил этилди. ЮНЕСКО ўтган йили ана шу йўлни қайта тиклаш режаларини қабул қилди, уни амалга оширишда ўнлаб мамлакатлар қатнашмоқда.

Саёҳат йўлларини фирма ходимлари тайёрлайдилар. Жойларда эса этнографлар, тарихчилар, санъатшунослар саёҳатчилар гуруҳлари билан ишлашга жалб этилади. Чунки бугунги кунда Буюк ипак йўли қачонлардир савдо-сотиқ авжига чиққан шунчаки йўл сифатида эмас, айни вақтда халқларнинг маънавий ва моддий маданиятини кенг ёйиш, уларнинг анъаналарини қайта тиклаш йўли сифатида қизиқтирмоқда.

Фирма қадимий йўл бўйлаб унча катта бўлмаган меҳмонхоналар, ресторанлар қуришни, янги-янги саёҳат йўллари очишни режалаштирган. Бундай йўллар Ўрта Осиё жумҳуриятлари орқали ўтади. Уларнинг баъзилари саҳролар орқали туяларда, отларда, пиёда ўтиб, ўзларини синаб кўришни хоҳлаган саёҳатчиларга мўлжалланган. Бу ишга манфаатдор хорижий фирмалар ҳам жалб қилинади.

(ЎзТАГ).

ГАПИРУВЧИ МОСЛАМА

ҲАВО ўзгарганда, ёмғир ёки қор ёққанда йўл белгиларини кўриш қийинлашади. Ҳаво бирдан совуб кетиб, ер музлаши ёки яхмалак бўлиб қолишини айтиб беролмайди. Бу ишларни автоматлаштириш ва машина ҳайдовчиларини огоҳлантириб турувчи мослама билан жиҳозлашни таклиф этади, ўзининг муаллифлик гувоҳномасида инженер Н. Егин.

Бу ишни бажарувчи датчиклар ҳаво қуруқ пайтда ишламайди, намлик пайдо бўлиши билан йўлда юришнинг тезлигини чегараловчи сонни, муз ва яхмалак пайтида қуйи тезлик чегарасини белгилайди.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Олий ўқув юртларига киришни истайдиган мактаб ўқувчилари ва абитуриентлар диққатига!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

қуйидаги фанлар бўйича

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, жамиятшунослик, математика.

Машғулотларни қабул имтиҳонларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган дорилфунуннинг етакчи ўқитувчилари олиб борадилар.

Машғулотлар давомида ёзма ва оғзаки имтиҳонларни топшириш бўйича амалий маслаҳатлар ҳам олиш мумкин.

Юқорида қайд этилган фанлар бўйича машғулотлар МАДАНИЯТ САРОЙИ БИНОСИда якшанбадан ташқари ҳар куни соат 16.00 да жадвал тартиби бўйича ўтказилади.

1-НАВБАТ — 1990 йил 1 июндан 15 июнгача;
2-НАВБАТ — 1990 йил 16 июндан 30 июнгача.

Машғулотларда қатнашиш учун абонементларни ТошДУ МАДАНИЯТ САРОЙИнинг 26 хонасида соат 11.00 дан 18.00 гача ҳар куни сотиб олиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун 46-39-55 рақамли телефонга мурожаат этилсин.

Транспорт: 28, 34, 87, 100-автобуслар: 8, 4, 20-троллейбуслар; 9, 12, 21-маршрут таксиларнинг «В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни» бекати.

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ИИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — **«ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.**

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгалланган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларини созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони. Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

«Узспортконцерт» бирлашмаси

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

24 май соат 19.30 да, 25 май соат 17.00 ва 20.30 да,

27 май соат 19.30 да

БИРИНЧИ МАРТА

Ленинград шаҳрининг КВН терма командаси

«ДУНЁНИ ҚУЛДИРАДИГАН 10 ҚИШИ» ПРОГРАММАСИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

ПРОГРАММАДА:

«Кремль гўзали» конкурси;

«УЙИНА, ГАРМОНЬ» ФОЛЬКЛОР АНСАМБЛИ ва бошқа жуда кўп томошалар ўрин олган.

Билетлар «БИЛИМЛАР УЙИ»да сотилади, оммавий талабномалар 39-47-22 телефони орқали қабул қилинади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

5, 6 июнь соат 17.00 ва 20.00 да

Чимкентлик хушовоз хонанда

Ғиёс БОЙТОЕВ

ВА

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби

Мирза ХОЛМЕДОВ

иштирокида

Янги концерт программаси

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради. Касса соат 11.00 дан очиқ.

Видеомагнитофон сотиб олувчилар диққатига!

„ЭЛЕКТРОНИКА"

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ

магнитофонларни якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 17.00 гача

СОТАДИ

Видеомагнитофонларни харид қилиш учун видеомагнитофонларнинг маркаси кўрсатилган, район ижроия комитетининг раиси томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган харидорлар рўйхати, жамғармалар банки томонидан магнитофонларнинг маркасига боғлиқ ҳолда 1200 сўм ёки 3000 сўмга ёзиб берилган чеки ва паспорт бўлиши лозим.

Видеомагнитофонни шахсан олишнинг иложи бўлмаса, ишонч қоғози нотариус ёки қишлоқ Советининг раиси томонидан тасдиқланиши лозим.

1 июндан бошлаб магазин видеомагнитофонларни фақат ойнахат орқали чақириқ ёки 33-78-34, 33-63-26 телефонлари бўйича олдиндан келишувга кўра сотилади.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1)

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Ленинград, Москва, Ростов-Дон, Тошкент, Новосибирск шаҳарларининг етакчи артистларининг

ЦИРК САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Цирк санъатининг барча жанрлари бўйича икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

«БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ» ғаройиб томошаси.

Бутун оқшом манежда масхарабозлар гуруҳи кўнглингизни ёзади.

Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари — соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15 ва 18.00 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш ташкил қилинган.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20 гача ишлайди.

ДИҚҚАТ!

Иссиқлик трассасини қайта ётқизиш муносабати билан Чилонзор районидаги ГЭСовская кўчаси бўйлаб

22 МАЙДАН 12 ИЮНГАЧА ИССИҚ СУВ БЕРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

33-32-32 телефони бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.

ДИҚҚАТ!

Ўрта Осиё темир йўлининг ТОШКЕНТ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

25 майда

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сергели, «Ўзгариш» совхози, 2-бўлим.

БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

олий ўқув юртига киришга тайёрлайдиган

БИР ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар 1990 йил 1 июндан бошланади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 10-уй, III бино, 2-қават, 37 «а» хона.

«Узэлектромонтаж» трестининг

ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

ПЦ-84-қурилиш-монтаж пистолетларини таъмирлаш, йўналтирувчи мослама ва поршенларни алмаштириш бўйича ўз хизматларини тавсия этади, шунингдек 6,3 мм қалинлигидаги металлни қирқувчи, янги Н-4516 қайчиларини

СОТАДИ

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Черкасская кўчаси, 26-уй. Телефонлар: 67-18-59, 67-18-57.

«Средазнефтегазстрой» қошидаги «Друг» тузатиш-қурилиш ширкатининг йўқолган

ГЕРБЛИ МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 76-ўрта мактаб томонидан **Ҳасанов Комил Ховилович** номига берилган 923420 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДА АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V да **Корсар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 21/V да **Шайтон ва муридлар,** 23/V да **Кампир нетармиш.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/V да **Найнов ва панама** (19.00), 22/V да **Майсаранинг иши** (19.00), 23/V да **Отасининг қизи.** (15, 19.00).

КИНО

21 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ГУ-ГА» (16, 18.30, 20.45).
Нунус — «СИТОРА» (16, 18.30, 20.45).
Восток — «СИТОРА» (16, 18.30, 20.45).
Фестиваль (ёзги) — «АТИРГУЛ НОМИ» (20.40).
М. Шайхзода номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 16, 18.30, 20.45).
К. Ерматов номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 16, 18.30, 20.45).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧРАШУВ» (18.30); «МОДЕРНИСТЛАР» (16, 21.00).

22, 23 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ГУ-ГА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Нунус — «СИТОРА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Восток — «СИТОРА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Фестиваль (ёзги) — «АТИРГУЛ НОМИ» (20.40).
М. Шайхзода номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
К. Ерматов номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 11, 13.30, 18.30, 20.00).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 18.30); «МОДЕРНИСТЛАР» (16, 21).

Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети «Меҳнат» нашриёти жамоаси нашриёт ходимаси Н. Каримовага онаси

МУАЗЗАМ АЯнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

5-таксомотор парки жамоаси парк директори

Шуҳрат Қулаҳмедович ДУСТМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Суратга олувчилар, Сизлар учун!

«Зенит-автомат» «Зенит ТТЛ», «Киев 88 ТТЛ», «Киев 60 ТЛ», «Киев 6. С. ТТЛ», «Орион» суратга олиш аппаратлари учун РЦ 53 М таъминот элементи савдода бор. Бу элемент билан «КВАРЦ 1 Х 8 С—2 кинога олиш камераси ҳам ишлайди.

«ЗЕНИТ-7" фирмали техно-савдо маркази

I-ФИЛИАЛГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

(филиалнинг макони — Халқлар дўстлиги кўчаси, 8 «а» уй, метронинг «Комсомол» станцияси).

Уйдан чиқмай даволанмоқчи бўлсангиз

Агар сизни қаттиқ бош оғриғи, остеохондроз, бод, уч шохли асаб невралгияси хасталиклари, операциядан кейинги оғриқ, орқа мия шикастланиши натижасидаги оғриқ безовта қилаётган бўлса оғриқни қолдирувчи транскутан

«ЭТНС-100-1» ва «ЭТНС-100-2»

электронейростимуляторларини сотиб олинг.

Сиз биологик фаол аъзоларга импульсли электр токи билан таъсир этиб, дори-дармонларни қабул қилмай, оғриқдан фориғ бўласиз, тетик тортасиз.

Турли хасталикларда таъсир этиш нуқталари СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган қўлланмадаги схемаларда кўрсатилган.

«ЭТНС-100-1»нинг баҳоси — 60 сўм.
«ЭТНС-100-2»нинг баҳоси — 84 сўм.



Булардан ташқари «ЭЛЕАН» ва «МИРАБЕЛЬ» электронейростимуляторлари (баҳоси 35 сўмдан) ҳам бор.

Магазиннинг иш вақтини эслатамиз: соат 10 дан 19 гача очиқ, танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш куни — якшанба. Телефон 45-45-53.

«ЗЕНИТ—7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 03241.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.